

Т.С. Расулов и.ф.д., проф.
Тошкент давлат шарқшунослик институти,
А.Адизов и.ф.н., доц.
Ўздонмахсулот бошқарма бошлиғи

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизлик ҳамда рақобатбардошликни таъминлашда инвестицияларни жалб қилишнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган бўлиб, мазкур йўналишдаги муаммолар ва имкониятлар таҳлил қилинган.

Аннотация. В статье рассматривается роль и значение привлечения инвестиций в обеспечение экономической безопасности и конкурентоспособности в Узбекистане, анализируются проблемы и возможности в этой области.

Annotation. The article considers the role and importance of attracting investment in ensuring economic security and competitiveness in Uzbekistan, analyzes the problems and opportunities in this area.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида¹ “Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда” деб билдирган фикрлари нақадар тўғрилигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, хавфсизлик ва тинчликка эришмасдан туриб, бирор эзгу мақсадга эришиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий мажлисга қилган мурожаатларида, яъни, “Ўтган давр мобайнида ташқи сиёсат соҳасида хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-илоvasи “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Lex.uz.

эришдик. ... “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда”. Бу эса Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган катта қадам бўлди. Қўшни Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида муҳим келишувларга эришилди, янги иқтисодий лойиҳалар бўйича амалий ишлар бошланди. Шунингдек, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари, мусулмон мамлакатлари билан ҳам самарали битим ва келишувларга эришилди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз тикланди, Европа инвестиция банки билан шериклик алоқалари ўрнатилди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки билан ўзаро ҳамкорлик самарали тус олмоқда”² деб айтган фикрлари билан танишганда кўнгилдан шу мулоҳазалар ўтади, мурожаатнинг қимматлилиги шундаки, унда маърузачи минтақавий хавфсизликни таъминлаш, террорчилик балосига қарши кураш ва иқтисодий хавфсизлик масалаларига жуда катта эътибор қаратган. Бугунги кундаги юртимиз ташқи иқтисодий хавфсизлигига тўсқинлик қилувчи омилларга қарши курашда кучларни бирлаштириш, ҳаракатларни мувофиқлаштиришга қаратилган таклиф, фикр ва мулоҳазалар глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий хавфсизлиги ҳам долзарб масала эканидан далолат беради.

Истиклол халқимизга янги тараққиёт уфқларини очиб берди. Тарихан қисқа, мазмунан бой мустақиллик йилларида Ватанимиз истиқболи йўлида асрларга татиғулик ўзгаришлар амалга оширилди.

Собиқ иттифокдош республикалар орасида фақат Ўзбекистонда 1996 йилдан бошлаб изчил иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Агар 1996-2003 йилларда ўртача ўсиш суръати 4,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилдан бошлаб бу жараён янги босқичга кўтарилди – 6,5-9 фоиз ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 23 декабрь 2017 й. № 258 (6952).

Ялпи ички маҳсулот (млрд.сўм)³

Йиллар	1 чорак	2 чорак	3 чорак	йиллик
2000 й.	463,0	1 055,2	2 028,0	3 255,6
2001 й.	728,6	1 670,4	3 179,4	4 925,3
2002 й.	1 162,0	2 741,5	4 978,9	7 450,2
2003 й.	1 620,0	3 718,6	6 649,2	9 844,0
2004 й.	2 029,7	4 542,3	8 255,6	12 261,0
2005 й.	2 544,2	5 857,8	10 429,4	15 923,4
2006 й.	3 307,3	7 826,8	13 982,4	21 124,9
2007 й.	4 205,4	10 115,6	18 230,7	28 190,0
2008 й.	5 724,3	13 596,2	24 698,0	38 969,8
2009 й.	8 219,4	18 855,9	32 737,6	49 375,6
2010 й.	10 385,3	25 216,6	41 274,0	62 388,3
2011 й.	13 960,8	32 994,6	53 120,9	78 764,2
2012 й.	17 348,1	41 509,7	66 193,5	97 929,3
2013 й.	21 257,2	50 450,9	82 990,6	120 861,5
2014 й.	25 687,9	60 678,0	99 796,4	145 846,4
2015 й.	33 591,4	78 848,3	124 311,8	171 808,3
2016 й.	38 896,1	90 768,5	143 454,2	199 993,4
2017 й.				302 536,8*
2018 й.				407 514,5*

Бундай натижаларга эришишда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий табиий-иқтисодий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳисобидан иқтисодиётда, авваламбор, ички талабга ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтиришга қаратилган таркибий ўзгартиришлар муҳим аҳамият касб этди.

Ўз навбатида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасидаги кенг қўламли тажриба ҳам ўзининг юксак самараларини берди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш дастурларини амалга ошириш, пировардида иқтисодий ўсишга эришишда хорижий инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир.

Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни

³Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озик-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга ҳамда энергия тежамкор ва юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва кимё саноати, транспорт, энергетика, ер ости бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас. Ўзбекистон иқтисодиётида чуқур иқтисодий ислохотлар, таркибий ўзгаришлар амалга оширилар экан, хорижий инвестициялар ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтираётган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча шароитларга, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бир қатор афзалликларга эга. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида географик жойлашиши, табиий ресурсларни таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат ва бошқалар билан муҳим рол ўйнайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосан хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва самарали ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласини иқтисодий ўсишнинг муҳим омили

сифатида кўриб чиқиш лозим. Бу борада Президентимиз айтаганидек, “...чет эл инвесторлари учун ўз капиталини тезроқ олиб чиқиб кетмасдан, уни қайта инвестиция қилишга ундайдиган рағбатлантириш тизимини яратиш”⁴ лозим.

Бундан ташқари, асосий капиталга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва корхоналар ташкил этиш натижасида қабул қилувчи давлатда солиқ тушумларини кўпайтириш ва бюджет даромадларини ошириш мумкин(2 жадвал).

2-жадвал

Асосий капиталга инвестициялар(млн.сўм)⁵

Йиллар	Асосий капиталга инвестициялар	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Шу жумладан	
			Хукумат кафолати остидаги	Тўғридан тўғри ва бошқалар
2005	3012905,4	577055,9	180858,3	396197,6
2006	3838339	730406,7	190523,8	539882,9
2007	5479678,7	1247712,8	271997,8	975715,0
2008	8483706,1	2193659,8	421557,1	1772102,7
2009	12531907,4	4058079,0	570546,2	3487532,8
2010	15409088,7	4407883,5	544254,7	3863628,8
2011	17518604,4	3813631,9	705040,5	3108591,4
2012	22066950,9	4776246,2	983988,8	3792257,4
2013	27557292,6	5595561,5	1216490,3	4379071,2
2014	33715281,8	6818084,3	1478966,6	5339117,7
2015	40737294,5	8182617,8	1909571,3	6273046,5
2016	49476842,7	10829196,4	3260222,9	7568973,5
2017	60719206,2	16308985,3	3913825,0	12395160,3
2018	107333033,0	31349962,9	16689533,6	14660429,3

Хорижий инвестициялар ижтимоий қатламда меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги компаниялар ташкил этиш орқали ўртача меҳнат унумдорлигини ошириш имконияти яратилади. Бундай компаниялар ҳар бир меҳнат бирлигига юқори даражада капитал киритишга қодир бўладилар, бу эса меҳнат унумдорлигининг ўсишига бевосита таъсир этади. Шу билан бирга, улар воситасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни бартараф этиш мумкин. Аҳолини иш билан бандлигини ошириш ва турмуш даражасини яхшилаш иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолият юритаётган корхоналар йилдан йилга ортиб бормоқда (3-жадвал).

⁴ Ш.М.Мирзиёев. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Корхона ва ташкилотлар сони тўғрисидаги маълумот⁶
(фермер ва деҳқон хўжаликларида ташқари)

1 январь ҳолатига	Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони	улардан:
		хорижий капитал иштирокидаги
2001 й.	20127	317
2002 й.	18201	196
2003 й.	19276	266
2004 й.	21951	310
2005 й.	22809	396
2006 й.	22642	410
2007 й.	26185	574
2008 й.	33229	788
2009 й.	26369	701
2010 й.	37032	595
2011 й.	34326	539
2012 й.	32715	520
2013 й.	21890	499
2014 й.	27819	519
2015 й.	26933	433
2016 й.	27915	494
2017 й.	32747	503
2018 й.	41013	863
2019 й.	55011	2385

Хорижий инвестициялар ўзи билан, биринчи навбатда, илғор технологияларни жалб этилишига туртки бўлади. Хорижий инвесторлар ўзларининг бозордаги ўрнини сақлаб қолиш мақсадида турли тадқиқотлар ва изланишларни олиб бориш имкониятларига эгадирлар. Айнан, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ривожланган рақобатбардош фирмалар ҳисобланиб, улар харажатларнинг катта қисмини фан-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун сарфлашга ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти учун янги фан-техника ютуқларини жорий этишга қодир бўладилар. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг мавжудлиги рақобатни рағбатлантириб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рақобатчилик муҳитида ғолиб чиқишлари учун хорижий тажрибаларни ўрганишга ва улардан андозалар олишга ундайди. Бу эса нафақат технологияларнинг даражасини ошишига, шу билан бир қаторда чекланган ресурслардан самарали фойдаланишга ҳам бевосита таъсир

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

этади. Кейинги йилларда мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг улуши давлат кафолати остида хорижий инвестиция ва кредитларнинг улушига қараганда ортиб бормоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улар асносида корхоналар ташкил этиш мамлакат иқтисодиётида рақобатчилик муҳитини фаоллаштиради. Хорижий компанияларнинг маҳаллий бозорларга чиқиши миллий корхоналарнинг янада самаралироқ фаолият юритишини талаб этади за рақобатчилик муҳитини фаоллаштиради. Хорижий фирмалар ўз фаолиятларида замонавий технологияларни ва янги менежмент тажрибаларини тезлик билан жорий қилишга мойиллиги орқали маҳаллий корхоналарга ибрат бўлади ва уларни инновацион фаолият билан шуғулланишга мажбур этади. Бу борада Президентимиз “..Иқтисодиётда бошқарув тизими эскиргани, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Шунингдек, технологик қолоқлик, ресурс ва энергияни тежайдиган технологиялар, муқобил энергия манбаларини татбиқ этишнинг суствлиги ҳам иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлмоқда”⁷ деб алоҳида таъкидлаб ўтганлар

Ҳозирги кунда барча мамлакатларда хорижий валюталарни жалб этиш ва валюта тушумини кўпайтириш, миллий валюта қадрини ошириш энг долзарб муаммолардан бири сифатида кўрилмоқда. Хорижий инвестициялар мамлакатга хорижий валюталарни жалб этиш ва мамлакатда валюта барқарорлигини таъминлашда асосий дастаклардан бири ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз “Валюта бозорини ислоҳ қилишга қарши бўлган айрим “экспертлар”нинг иккиланиши ва “маслаҳат”ларига қарамасдан, биз қисқа муддатда халқаро стандартлар асосида валютани либераллаштириш жараёнини бошладик. Лекин биз яхши тушунамизки, бу иш ушбу соҳадаги ислохотларнинг бошланиши, холос.

Валюта сиёсати бизнес ва иқтисодиётни ривожлантириш манфаатларига тўлиқ хизмат қилиши, инвестиция фаолиятига ижобий туртки бериши лозим”⁸ деб алоҳида таъкидлаб ўтган.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл валюталарини жалб этишда аксарият давлатлар экспорт салоҳиятини оширишга катта урғу берадилар, аслида хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали ҳам катта миқдорда валюта тушумини таъминлаш мумкин бўлади. Валюта тушумини таъминлашда хорижий

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. uza.uz

⁸ Ш.М.Мирзиёев. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

инвестицияларнинг экспортдан афзаллик томони шундаки, экспорт қилиш орқали валюта тушумига эга бўлинади, бироқ ушбу валюта эквивалентидаги маҳсулотлар четга олиб чиқиб кетилади. Хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали эса чет эл валютаси ёки валютага келтириладиган асбоб-ускуна ва маҳсулотлар миллий иқтисодиётга киритилади. Бу эса мамлакатда иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ кўплаб муаммолар мавжудлиги таъкиблаб ўтилди. Булар жумласига қуйидагиларни киритишим мумкин:

- инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепция йўқлиги;

- инвестициялаш соҳасида аниқ ишлайдиган тизим мавжуд эмаслиги натижасида хорижий инвестициялар билан келишувларни амалга ошириш жуда суствашлик билан бориши;

- амалдаги инвестиция дастурларида аниқ бир лойиҳага оид маълумотлар йўқлиги;

- истиқболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига халақит бермоқда ва бошқалар.

Бу борада Президентимиз мазкур Мурожаатномада юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш борасида амалга оширишимиз зарур бўлган қуйидаги вазифаларни кўрсатиб ўтди.

- валюта бозорини ислоҳ қилиш;

- солиқ сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечиш;

- Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ниятида бўлган инвесторлар учун мамлакатимизни жозибали қилиш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш;

- барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш;

- ўз эҳтиёжи учун объектлар қураётган, янги ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўловини маълум муддатга кечиктириш ҳуқуқини бериш;

- солиқ имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни фақат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун қўллаш амалиётига ўтиш;

- солиқ тизимида пухта ўйланган, узок муддатга мўлжалланган сиёсатни амалга ошириш;
- инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилиш, лойиҳаларни шакллантиришнинг бутунлай янги механизмини жорий этиш;
- шошма-шошарлик билан ишлаб чиқиладиган сохта инвестиция дастурларини қабул қилиш амалиётидан бутунлай воз кечиш;
- иқтисодий ривожланишнинг узок муддатга мўлжалланган концепциялари ишлаб чиқиш;
- иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш;
- интернет тармоғида маҳаллий ва хорижий инвесторларни керакли статистик ахборотлар билан таъминлайдиган, бизнес юритиш учун яратилган шароитлар ҳақида маълумот берадиган “Инвестиция портали”ни очиш;
- чет эл инвесторлари учун ўз капиталини тезроқ олиб чиқиб кетмасдан, уни қайта инвестиция қилишга ундайдиган рағбатлантириш тизимини яратиш;
- Ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг инвестицияларни жалб этиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш, янги ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш, иш ўринлари яратиш бўйича фаоллигини ошириш;
- мамлакатимизнинг инвестиция соҳасидаги жозибасини ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга қўмаклашиш бўйича Ташқи ишлар вазирлиги ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш⁹.

Биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиз, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу масалада етти ўлчаб, бир марта кесадиган, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиган давр келди.

Шу нуқтаи назардан, давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [uza.uz](http://uza.uza)